



Жанубий

ҚОЗОҒИСТОН

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 12 март, пайшанба, №27 (3673).



»» Президент

ТАРАҚҚИЁТГА ЮЗ БУРГАН ТУРКИСТОН

САРМОЯ ВА ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Давлат раҳбари Туркистон вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва келгуси даврга мўлжалланган режалари ҳақида ахборот берилди.

Нуралхан Кўшевнинг таъкидлашича, минтақанинг иқтисодий юксалиши 113,9 фоизни ташкил этди. Давлат бюджетига солиқ тушумлари 1 триллион тенгеге ошди. 2025 йилда минтақага 1,7 триллион тенге сармоя жалб қилинди, шу жумладан, 1,4 триллион тенге хусусий сармоялар. Бевоқифа хорижий сармоялар ҳажми 1,4 миллиард долларга етди.

Президентга ўтган йили умумий қиймати 340 миллиард тенге бўлган 58та сармоявий лойиҳа ишга туширилгани ва 8 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилгани ҳақида ахборот берилди.

Бугунги кунда вилоятда 21та индустриал минтақа фаолият юритмоқда. "Turan" махсус иқтисодий минтақасида 26та лойиҳа амалга оширилмоқда,



уларнинг қиймати – 315 миллиард тенге.

Қишлоқ хўжалиги, пахта ва тўқимачилик, мақкажўхори ва гўшт етиштириш кластерлари ривожланмоқда. Ушбу лойиҳалар тўлиқ ишга туширилгач, 2027 йилга бориб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 479,5 миллиард тенгеге ошиши кутилмоқда.

Президентга сўнги уч йил ичида манзилли ижтимоий ёрдам олувчилар сони икки бара-

вар камайгани ҳақида ахборот берилди. 148 минг киши бандлик тадбирларига жалб қилинди ва ишсизлик даражаси 4,6 фоизни ташкил этди.

Вилоят ҳоқими таълим, соғлиқни сақлаш, маданий иншоотлар қурилиши, йўл инфратузилмасини ривожлантириш, газлаштириш ва аҳоли манзилларини ичимли сув билан таъминлаш йўналишларида амалга оширилган ишларга эътибор қаратди.

Учрашув якунида Қасим-Жўмарт Тўқаев сармоя жалб қилиш, қишлоқ хўжалиги ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш юзасидан тадбирларни янада жадаллаштиришни топширди.

Шунингдек, Давлат раҳбари аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш ва инфратузилmani ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Akorda.kz.



ҲАЁТ ТАЯНЧИ, МЕҲР ЧАШМАСИ

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда сўзга чиқиб, мамлакатимиз аёлларини 8 март байрами билан самимий табриклади.

– Меҳр-оқибат, олижаноблик, муҳаббат ва садоқат каби юксак инсоний қадриятларни камол топтириш, оила қўрғонини мустаҳкамлашда сизларнинг хизматингиз бекиёс. Инсон ҳаётини, жамият тараққиётини хотин-қизларсиз, уларнинг эзгу фазилатларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Биз сизнинг тимсолингизда Янги Қозоғистонни барпо этаётган, ёш авлодни оналик меҳри билан тарбиялаб, вояга етказётган буюк бир кучни кўраимиз. Сизлар хонадонларимиз фариштаси, оила ва жамият таянчи, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз, – деди Давлат раҳбари.

Президент алоҳида таъкидлади: – Бу байрам нафислик ва илиқлик, оқиллик ва гўзаллик рамзи ҳисобланади. Аёл – ҳаётнинг ўзгармас таянчи, ҳақиқий фаровонлик манбаи. Бу – ўзгармас қадрият. Бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратётган аёлнинг қалби меҳр-муҳаббатга тўла. Шу боис, "Аёлга эҳтиром – бу бутун Халққа эҳтиром", деган ибора аини ҳақиқатдир. Бугун Оқ Ўрдада мен сизга ва барча Қозоғистон хотин-қизларига чин қалбимдан миннатдорчилик билдираман. Қозоғистон халқи доим оналарини улуғлаб, сингилларини химоя қилган ва қизи билан алоҳида эҳтиром ила муносабатда бўлган, уларга энг шарафли ўринни ажратган

Президентнинг сўзларига кўра, халқ ҳаётидаги қадриятлар фақат ана шу муқаддас чашмалардан келиб чиқиб, бугунги кунгача сақланиб келмоқда.

– Сўнги йилларда халқимиз билан елкадош бўлиб, мисли кўрилмаган улкан ишларга қўл урдик. Машаққатли ва ҳалол меҳнатимиз тўғрисида бугун бутун дунё эътибори ва эътирофи сазовор бўлмоқда. Аини пайтдаги мураккаб ва синовли даврда олдимизга қўйган юксак марраларга эришиш учун янада жипслашиб, ҳамжихат бўлиб меҳнат қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Ишончим комил, сиздек фидойи, шижоатли ва меҳнаткаш хотин-қизларимиз, бутун халқимиз билан бирга, эзгу мақсадларимизга албатта етамиз. Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларингизга тинчлик-омонлик, оилаларингизга бахт ва саодат тилайман. Байрамингиз муборак бўлсин!

Тадбир ниҳоясида мамлакат тараққиётига ҳисса қўшган бир гуруҳ хотин-қизларга давлат мукофотлари топширилди.

Akorda.kz.

АРЗОН УЙ-ЖОЙ – АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



Қозоғистон Ҳукумати мажлисида Бош вазир Ўлжас Бектенов аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. У давлат идораларига уй-жой қурилиши юзасидан белгиланган режаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш муҳимлигини таъкидлади.

Бош вазирнинг қайд этишича, шаҳарларда яшаш учун қулай ва замонавий муҳитни шакллантириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шу боис янги уй-жойлар мактаблар, болалар боғчалари ва тиббиёт муассасаларига яқин ҳудудларда барпо этилиши, муҳандислик-алоқа инфратузилмаси эса изчил ривожлантирилиши зарур.

Шу билан бирга, йирик шаҳарлар, айниқса, Астана ва Алматыда қурилиш ҳажми ортиб бораётгани таъкидланди. Бош вазир ушбу жараён билан бир қаторда моношаҳарлар ва қишлоқ ҳудудларида ҳам уй-жой қурилишини жадал ривожлантириш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Йиғилиш якунида кўра, Саноат ва қурилиш вазирлигига "Байтерек" холдинги ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда аҳолини арзон ва қулай бошпана билан таъминлашга қаратилган минтақавий дастурларни янада фаоллаштириш юзасидан аниқ вазифалар юклатилди.

Primeminister.kz.

Kazinform. Истанбулда Туркий Давлатлар Ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг норасмий йиғилиши ўтди.

Тадбирда Қозоғистон делегациясига ҚР Ташқи ишлар вазири ўринбосари Алибек Бақаев раҳбарлик қилди.

Йиғилишга Туркия Республикаси Ташқи ишлар вазири Ҳоқон Фидан раислик қилди. Тадбирда ТДТга аъзо давлатлар – Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлари, шунингдек, Ташкилотнинг Бош котиби иштирок этди.

Учрашув давомида долзарб минтақавий ва дунёвий масалалар юзасидан фикр алмашди. Бундан ташқари, сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, тузилмавий ҳамкорликни кенгайтириш ва туркий оламда интеграцияни чуқурлаштиришга қаратилган ташаббусларнинг истиқболлари муҳокама қилинди.

Тадбир доирасида А. Бақаев бошқа делегациялар раҳбарла-

ТДТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг йиғилиши ўтди



ри қаторида Туркия Республикаси Президенти Ражаб Тоййиб Эрдоғон томонидан қабул қилинди. Мулоқот давомида Қозоғистон ва Туркия ўртасидаги стратегик ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари, шунингдек, туркий ҳамкорлик доирасида ўзаро алоқаларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Томонлар қардош туркий давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, халқаро ва минтақавий жараёнларда туркий оламнинг таъсири кучайтиришдан ўзаро манфаатдорлигини маълум қилдилар.

Тадбир якунида Яқин Шарқдаги сўнги воқеалар юзасидан

Ислом ҳамкорлик ташкилоти ташқи ишлар вазирларининг кўшма баёноти, шунингдек, ИХТ+ шаклида учинчи томонлар билан ҳамкорлик тўғрисидаги низом қабул қилинди.

Қозоғистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизмати.

Ҳар биримизнинг овозимиз муҳим!

15 МАРТ РЕФЕРЕНДУМ

Референдумда фуқароларга "2026 йил 12 февралда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган "Қозоғистон Республикасининг янги Конституцияси лойиҳасини қабул қиласизми?" деган савол тақдим этилади.

Референдум фуқароларнинг ихтиёрий иштироки, эркин танлови асосида, шунингдек, умумий, тенг, бевоқифа ва яширин овоз бериш тамойиллари асосида ўтказилади.

Қозоғистон Республикаси Марказий референдум комиссияси

www.election.gov.kz

ОНАЛАРГА ЭҲТИРОМ – ОЛИЖАНОБ ВА МУҚАДДАС ҚАДРИЯТ

Туркистон шаҳрида Халқаро хотин-қизлар куни арафасида 101 ёшга тўлган фахрий устоз Гулсин Иброҳимовага эҳтиром кўрсатилди.

Вилоят таълим бошқармаси раҳбари фахрий устоз хонадониди бўлиб, минтақа раҳбари Нуралхан Қўшиернинг ташаккурнома ва совғасини топширди.

Аср билан юзлашган устознинг босиб ўтган меҳнат йўли ёш авлодга ўрнак. Устозлик фаолияти давомида у қўллаб-қўллаб шогирдлар тарбиялаб, ёшларнинг жамиятга фойдали фуқаро сифатида шаклланишига муносиб ҳисса қўшди.



101 ёшли онахон билан учрашув – улкан сабоқ. Устоз меҳнати – юртимиз келажагини шакллантирадиган муқаддас бурч. Шундай эъзозли шахсларнинг ибратли ҳаёт йўли келгуси авлод учун ҳар доим ўрнақдир.

Байрам арафасида Туркистон шаҳар ҳокими Азимбек Пазилбекули бир аср юзини кўрган мунис онахонларнинг хонадонларига ташриф буюриб, меҳнати билан эъзоз топган ёш авлодни тарбиялаб, ибратли ҳаёт кечириб келаётган оналарнинг ҳар бирига алоҳида иззат-икром кўрсатиб, эзгу тилақларини билдирди.



Азимбек Пазилбекули, дастлаб, фронторти фахрийси, Қахрамон она, "Алтын алқа" соҳибаси Бибисара Тўйғараеванинг хонадониди бўлди. 10 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказган онахон бугунги кунда 34 невага, 105 чевара ва 8 эваранинг момоси. Бугунги кунда тўнғич ўғли ғамхўрлигида бахтли ҳаёт кечирмоқда.

Яна бир фахрий, кўп болали Қахрамон она, "Алтын алқа" соҳи-

баси Шадат Пачанованинг хонадонига ташриф буюрган ҳоким уни байрам билан қутлади. Ҳаётини авлод тарбиясига бағишлаган она 9 нафар фарзанд тарбиялаган.

Шаҳар ҳокими шу куни бир гуруҳ заковатли авлод тарбиялаган меҳридарё ва мўтабар зотларга самимий миннатдорчилик билдириб, уларга совғаларини топширди.

Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Саригоч тумани ҳокими Арман Абдуллаев 100 ёшга тўлган оналарнинг хонадонларида бўлиб, байрам совғаларини топширди.



106 ёшли Жадира Тўлегенқизи очарчилик, уруш йилларининг энг оғир даврларини бошдан ўтказган. У 4 қиз, 3 ўғил тарбиялаб, муносиб вояга етказган. Ҳозир 35 невага, 83 чевара ва 10 эваранинг ардоғида.

98 ёшли Саттигул Қарабаева ҳам 4 фарзандидан 14 невага, 30 чевара, 3 эвара суйган улкан авлоднинг эъзозли онаси. Шунингдек, Қанағат қишлоғи фуқароси Кулсим Мусабекова ҳам тумандаги "Коммунизм" жамоа ҳўжалигида оддий ишчи бўлиб, кўп йиллар сидқидилдан меҳнат қилган. 2 ўғил, 1 қиз тарбиялаб, вояга етказган, бугунги кунда 19 невага ва 68 чеваранинг бағрида бахтли қариллик даврини ўтказмоқда. Қахрамон оналар туман ҳокимига эътибор ва эътироф учун миннатдорчилик билдириб, элу юртга тинчлик, оилавий хотиржамлик тиладилар.

Мақтаарал тумани ҳокими Бақит Асанов 100 ёшли онахон Амангул Мамирова хонадониди бўлиб, байрам совғаларини топширди. У 1926 йилда туғилган. 100 йил давомида кўплаб тарихий даврларни бошдан ўтказган онахон бугунги кунда улкан авлоднинг таянчига айланган. У 5 фарзандни муносиб тарбиялаб, 20 невага, 20 чевара суйган ардоқли она.



Бундай эзгу ташаббуслар жамиятда оналарнинг мартабасини ошириб, уларга, умуман, ёши улуғларга ҳурмат-эътиборни янада мустаҳкамлайди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Туркистонда ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган яна бир муҳим лойиҳа ишга туширилди. Назарбаев заковат мактаблари базасида "SKILL HUB TURKISTAN" ижодий-инновацион маркази ўз фаолиятини бошлади. Тадбирда вилоят таълим бошқармаси раҳбари Ғалимжан Уринов иштирок этиб, янги лойиҳага муваффақият тилади.

Мазкур марказ муҳандислик, робототехника, 3D моделлаштириш, рақс, дўмбира ва актёрлик йўналишларини бирлаштиради. Бу ерда таълим ва ижод техно-

ТУРКИСТОНДА БИЛИМ ВА ИЖОД МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

логия ва миллий қадриятлар ёнма-ён қадам ташлайди. Мазкур ташаббус вилоятда қўшимча таълим тизими изчил ривожланиётгани тасдиғидир. Бугунги кунда вилоятда 43та қўшимча таълим муассасаси ҳамда мактаб тўғралаклар орқали 472 мингдан ортиқ ўқувчи қўшимча таълим билан таъминланмоқда.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.



Туркистон қаласи бойинша Мемлекеттік кірістер басқармасы, (әрі қарай – Басқарма) Қазақстан Республикасының Салық кодексінің (әрі қарай – Салық кодексі) талаптарын сақтау, заң бұзушылықтарға жол бермеу мақсатында, жеке тұлғалардың төлем көзінен салық салуға жататын табыстарына (жалақы қоры) әлеуметтік салықтық шегерімдерін қолдануға құқығы бар жеке тұлғаларға қатысты Салық кодексінің талабын жұмыс барысында қолдану үшін және қатаң сақтау үшін жолдайды.

Қазақстан Республикасының Салық кодексінің (әрі қарай – Салық кодексі) 401-бабының 1-тармағына сәйкес, жеке тұлға жеке салықтық шегерімдердің келесі түрлерін қолдануға құқығы бар:

1) әлеуметтік төлемдерді салықтықтан шегеру;
2) базалық салықтық шегерім;
3) әлеуметтік салықтық шегерімдер;
2. Жеке тұлға:
1) салық агентінде;
2) салық агентінде қолданбаған кезде салықтық шегерімдерді өзі дербес қолданады.
3. Салық салу объектісін айқындау кезінде салықтық шегерімдер осы баптың 1-тармағында көрсетілген тәртіппен қатар қолданылады.

Салық Кодексінің 404-бабына сәйкес, әлеуметтік салықтық шегерімдер:

1) осы тармақшаны қолдану күніне адамның бірінші, екінші топтағы мүгедектігі бар адам бо-

лып табылатыны негізінде күнтізбелік жыл үшін тиісті қаржы жылының 1 қаңтарына қолданыста болатын айлық есептік көрсеткіштің 5 000 еселенген мөлшері;

2) осы тармақшаны қолдану күніне адамның үшінші топтағы мүгедектігі бар адам; мүгедектігі бар бала;

3) осы тармақшаны қолдану күніне адамның он сегіз жасқа толғанға дейін әрбір мүгедектігі бар бала үшін – осындай мүгедектігі бар баланың ата-анасының, қорғаншыларының, қамқоршыларының бірі; өмір бойына әрбір «бала кезінен мүгедектігі бар адам» деген себеппен мүгедектігі бар адам деп танылған осындай адам үшін – адамның ата-анасының, қорғаншыларының, қамқоршыларының бірі;

асырап алынған бала он сегіз жасқа толғанға дейін әрбір бала асырап алушы үшін – осындай адамдардың бірі;

жетім балаларды, ата-анасының қамқорлығынсыз қалған балаларды баланы қабылдайтын отбасына беру туралы шарттық қолданылу мерзімі кезеңінде жетім балаларды және ата-анасының

қамқорлығынсыз қалған балаларды баланы қабылдайтын отбасына қабылдап алған әрбір ата-ана үшін – осындай адамдардың бірі болып табылатыны негізінде күнтізбелік жыл үшін тиісті қаржы жылының 1 қаңтарына қолданыста болатын айлық есептік көрсеткіштің 882 еселенген мөлшері.

Осы тармақшаның ережелері: қорғаншылыққа және қамқоршылыққа мұқтаж адамдардың қорғаншылары және қамқоршылары болып табылатын тиісті білім беру ұйымдары, медициналық ұйымдар, халықты әлеуметтік қорғау ұйымдары әкімшіліктерінің жұмыскерлеріне қатысты олардың осындай ұйымдарымен еңбек қатынастарында болуына байланысты;

Қазақстан Республикасының неке-отбасы заңнамасына сәйкес асырап алынатын баланың (балалардың) анасымен немесе әкесімен некеге тұратын (ерлі-зайыпты болатын) адамдарға қатысты қолданылмайды.

2. Әлеуметтік салықтық шегерімдер осы салықтық шегерімдерді қолдану үшін негіз туындаған, бар немесе болған күнтізбелік жылда қолданылады.

Ҳар биримизнинг овозимиз муҳим!

15 НАУРЫЗ
МАРТ
РЕФЕРЕНДУМ

КОНСТИТУЦИЯ – БАРҚАРОРЛИК ПОЙДЕВОРИДИР

Конституция – ҳар қандай давлатнинг энг олий ҳуқуқий ҳужжати. У мамлакат бошқарув асослари, давлат тузилиши ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилайди. Шу боис, унинг «Асосий Қонун» деб аталышы бежиз эмас. Бошқа барча қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ушбу ҳужжат асосида қабул қилинади.

1995 йил 30 августда Қозоғистон халқи умумхалқ референдум орқали янги Конституцияни қабул қилди. Бу – мамлакатимиз тарихида энг муҳим босқичлардан бири бўлиб, халқ ўз давлати келажагини овоз бериш орқали бево-сита белгилаб берган билан аҳамиятлидир.

Асосий Қомусимизнинг энг устувор жиҳати – у инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини энг олий қадрият сифатида эътироф этилди. Ҳар бир фуқаро яшаш, таълим олиш, ишлаш, соғлигини муҳофаза қилиш, виждон эркинлиги ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Қонун олдида барчанинг тенглиги адолатли жамиятнинг асосий шартидир. Ижтимоий маъқеи, миллати, дини ёки лавозимидан қатъиназар, барча фуқаролар тенг ҳуқуққа эга. Бундай тамойил жамиятда барқарорлик ва уйғунлиқни таъминлайди.

Конституция фуқароларнинг ҳуқуқлари билан бирга уларнинг бурчларини ҳам белгилайди. Қонунларга риоя қилиш, солиқ тўлаш, атроф-муҳитни асраш тарихий ва маданий меросни ҳурмат қилиш ҳар бир инсоннинг масъулиятидир. Ватанини ҳимоя қилиш эса муқаддас бурч ҳисобланади.

Жамият тараққиёти давомида, янги талаблар ва янги вазифалар пайдо бўлади. Шу боис, Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади. Бироқ, унинг асосий тамойиллари – инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мустақиллик ва бирлиқни сақлаш – ўзгармасдир.

Яқинда ўтказилиши кутилаётган референдум – халқнинг давлат бошқарувидаги иштирокининг ёрқин намунасидир. Референдум давомида фуқаролар энг муҳим масалалар юзасидан ўз иродасини билдириш имкониятига эга. Агар Конституцияга ўзгартириш киритиш таклифи қўллаб-қувватланса, яқиний қарорни халқ қабул қилган ҳисобланади. Бу демократик жамиятнинг энг муҳим белгиларидан биридир.

Референдумда иштирок этиш нафақат ҳуқуқ, балки улкан масъулиятдир. Ҳар бир фуқаро таклиф қилинган ўзгаришлар билан танишиши, уларнинг маъносини тушуниши ва онгли қарор қабул қилиши зарур. Чунки, қабул қилинган қарор мамлакат келажаги ва келажақ авлодлар ҳаётига таъсир қилади. Халқнинг фаоллиги – давлатнинг куч-қудрати ва сиёсий маданиятидан далолат беради.

Конституция жамиятда барқарорлик, тинчлик ва ўзаро ҳамжихатликнинг мустаҳкам кафолатидир. Кўп миллатли Қозоғистон шароитида бирлик ва бағрикенглик устувор қадриятлар ҳисобланади. Асосий Қомусимиз ушбу тамойилларни асраш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Конституция мустақиллигимизнинг ҳуқуқ пойдевори, давлатимизнинг асосий таянчи ва эртанги кунимиз кафолатидир. Референдум эса халққа ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш имконини берувчи демократик дастақдир.

Ҳар бир фуқаро Конституцияга ҳурмат билан ёндашиб, мамлакат ҳаётидаги муҳим сиёсий жараёнда фаол иштирок этса, юртимиз тараққиёти ва барқарорлиги янада мустаҳкамланади. Мустаҳкам бирлик ва қонун устуворлиги қарор топган мамлакатнинг келажаги доимо ёрқин бўлади.

Бақитжан РАМАНҚУЛОВ,
«Ауыл» партиясининг вилоят бўйича ҳудудий ташкилоти раиси, вилоят фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари, вилоят жамоат кенгаши аъзоси, Туркистон вилояти умуммиллий коалиция аъзоси.

ЖЕКЕ КӘСІПКЕРЛЕР, ТУЛҒАЛАР МҮГЕДЕКТЕРГЕ ҚАТЫСТЫ САЛЫҚ ТУРАЛЫ

лып табылатыны негізінде күнтізбелік жыл үшін тиісті қаржы жылының 1 қаңтарына қолданыста болатын айлық есептік көрсеткіштің 5 000 еселенген мөлшері;

2) осы тармақшаны қолдану күніне адамның үшінші топтағы мүгедектігі бар адам; мүгедектігі бар бала;

3) осы тармақшаны қолдану күніне адамның он сегіз жасқа толғанға дейін әрбір мүгедектігі бар баланың ата-анасының, қорғаншыларының, қамқоршыларының бірі; өмір бойына әрбір «бала кезінен мүгедектігі бар адам» деген себеппен мүгедектігі бар адам деп танылған осындай адам үшін – адамның ата-анасының, қорғаншыларының, қамқоршыларының бірі;

асырап алынған бала он сегіз жасқа толғанға дейін әрбір бала асырап алушы үшін – осындай адамдардың бірі;

жетім балаларды, ата-анасының қамқорлығынсыз қалған балаларды баланы қабылдайтын отбасына беру туралы шарттық қолданылу мерзімі кезеңінде жетім балаларды және ата-анасының

қамқорлығынсыз қалған балаларды баланы қабылдайтын отбасына қабылдап алған әрбір ата-ана үшін – осындай адамдардың бірі болып табылатыны негізінде күнтізбелік жыл үшін тиісті қаржы жылының 1 қаңтарына қолданыста болатын айлық есептік көрсеткіштің 882 еселенген мөлшері.

Осы тармақшаның ережелері: қорғаншылыққа және қамқоршылыққа мұқтаж адамдардың қорғаншылары және қамқоршылары болып табылатын тиісті білім беру ұйымдары, медициналық ұйымдар, халықты әлеуметтік қорғау ұйымдары әкімшіліктерінің жұмыскерлеріне қатысты олардың осындай ұйымдарымен еңбек қатынастарында болуына байланысты;

Қазақстан Республикасының неке-отбасы заңнамасына сәйкес асырап алынатын баланың (балалардың) анасымен немесе әкесімен некеге тұратын (ерлі-зайыпты болатын) адамдарға қатысты қолданылмайды.

2. Әлеуметтік салықтық шегерімдер осы салықтық шегерімдерді қолдану үшін негіз туындаған, бар немесе болған күнтізбелік жылда қолданылады.

Салық кодексінің 437-бабына сәйкес, төлем көзінен салық салуға жататын кірістерге салықтық шегерімдер осы Кодекстің 401-404-баптарында белгіленген нормаларға сәйкес қолданылады.

2. Базалық салықтық шегерім мен әлеуметтік салықтық шегерімдерді салық агенті төлем көзінен мыналардың:

1) жеке тұлғаның салықтық шегерімдерді қолдану туралы өтініші;
2) әлеуметтік салықтық шегерімді қолдану үшін растайтын құжаттардың көшірмелері негізінде қолданады.

3. Жеке тұлға базалық салықтық шегерімді бір салық агентінен ғана қолдануға құқылы. Яғни, жұмыс жасайтын жеке тұлға Салық кодексінің 404-бабында көрсетілген әлеуметтік салықтық шегерімдерді қолданатын болып табылған жағдайда, жұмыс орнына (салық агентіне) өтінішті және растайтын құжаттардың көшірмелерін ұсынады және сол күнтізбелік жылы шегерімдерді салық агенті қолданады.

А. БИЖАНОВА,
Түркістан қаласы бойынша МКБ бас маманы.

»» Шонли тарих саҳифалари

ҒАЛАБА ҲУЖЖАТИНИ МОСКВАГА ЕТКАЗГАН УЧУВЧИ

ЁКИ ЧЎРНОҚЛИК АБДУСАМАТ ТОЙМЕТОВНИНГ ТАРИХИЙ ХИЗМАТИ

Фаол обуначимиз, Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси Эргаш Тўлаган ўғли Диметов уруш йилларида ҳарбий учувчи бўлиб мардонавор хизмат қилган, Буюк Ғалаба ҳужжатини ватанимизга етказган чўрноқлик Абдусамат Тойметов ҳақида “Жанубий Қозоғистон” газетасида мақола чоп этиш таклифи билдирди.

Газетамиз обунаси ташкилотчиси, Саврон тумани марказидаги А. Байтурсинов номли мактабнинг тажрибали устози Насиба Алхорова машур учувчи ҳамқишлоғи ҳақида маълумот ва фотосуратларни тўплаб, тахририятга йўлади.

Абдусамат Тойметов 1909 йили Туркистон туманидаги Чўрноқ қишлоғида туғилган. 15 ёшида ота-онасидан етим қолади, оила рўзгорига ёрдам учун далада тинимсиз меҳнат қилади. Йўлланма асосида 1929 йили Тошкентдаги уч ойлик агрохимия курсига ўқишга юборилади. Ўқишни битиргач, Чўрноқ қишлоғида пахта етиштириш соҳасида меҳнат қилди. Доимий изланиш, ўқиш истагида бўлди. 1930 йили Тошкентдаги Ўрта Осмё индустриал механика техникумига ўқишга кирди. Ўқиб юриб, 1932 йили

Ўзбекистондан 30 самолётни бошқариб борди. Халқаро йўналишлардаги парвозларда иштирок этди. Шимолий Африка, Осмё, Европа мамлакатларига парвоз қилиб, муҳим ҳарбий топшириқларни бажарди. 1945 йилнинг 6 майида Теҳрондан навбатдаги парвоз сафаридан қайтган А. Тойметов самолётни техника топириб, штаб бошлиғига буйруқ бажарилганлиги ҳақида маълум қилгач, янги махфий топшириқ олади.

8 май кунини эрталаб лейтенант учувчи А. Тойметов борт механиги Демин, борт радиочиси Гордиенколар билан биргаликда соат 7.00да самолёт олдида ҳозир бўлишди. Генералнинг буйруғи янгради.

– Дарҳол Москвага учасиз. Мана бу пакетни етказасиз. Унда фашистларнинг сўзсиз



сида самарали меҳнат қилди. Бой тажрибаси ва билимини сафарбар этиб, йигирма йил давомида Тошкент аэропорти бошлиғи бўлиб ишлади. Умр йўлдоши Бибинисо Болтабоева эса биринчи парашютчи бўлиб тарихда қолди. Улар Тошкент шаҳрининг Чигатоў қабристонига дафн этилган.

Абдусамат Тойметовнинг киндик қони тўкилган Чўрноқ қишлоғида унинг хотирасига



Республика ОСОАВИАХИМ қошидаги планер мактабидаги машғулотларга мунтазам қатнади. Қобилияти ва тиршиққолиги боис, 1933 йили Саратов вилояти Балашов шаҳридаги авиация мактабига ўқишга қабул қилинади. У икки минг нафар курсантлар орасида ягона ўзбек талабаси эди. Рус тилини теран ўрганиш учун кўп ўқиб ўрганди. Жамбиллик Карташов деган ҳамюрти унга кўп ёрдам кўрсатади. 1936 йили ўқишни муваффақиятли тамомлаб, учинчи класс учувчи сифатида

таслим бўлганлиги ҳақидаги ҳужжат ва Москва газеталари учун фотосуратлар бор. Совет кўшинлари Германияда Вермахтнинг кўпгина байроқлари ва рамзларини ўлжа олишган. Уларни ҳам Москвага олиб кетасиз.

А. Тойметов бошқарувидаги самолёт икки минг метр баландликда учиб, фашистлар Германиясининг мағлубияти ҳақидаги расмий ғалаба ҳужжатини Москва Олий қўмондонни қароргоҳининг масъул вакилига етказди.

атаб миннатдор юртдошлари химмати ила ёдгорлик ўрнатиб, марказий кўчаларнинг бирига унинг номи берилган. Бу хайрли ҳамда ёш авлод тарбияси учун муҳим аҳамиятга эга молик ишда жонқуяр ҳамқишлоқлари – собиқ Чўрноқ мактабида кўп йил устозлик қилган Ниятулла Муршаев, УВУ фахрийси Абдуманноп Отановларнинг хизматлари мўл бўлганлигини эътироф этамиз. Саврон тумани УЭМБ раиси Қурбонбой Ирисбековдан олинган маълумотга кўра, Абдуса-



Тошкентга келади. У биринчи ўзбек учувчиси эди. Тошкентда аэроклубда талабаларга устозлик қилади. Курс битирувчилари орасида биринчи ўзбек парашютчи қизлари Оқила Отаулаева, Башорат Мирбобоева, Бибинисо Болтабоевалар ҳам бор эди. Кейинчалик Абдусамат Тойметов улар орасида Бибинисо билан турмуш қуради.

Фашистлар Германияси Совет Иттифоқига уруш бошлаганида малакали учувчиларга эҳтиёж катта эди. Шу боис Сирдарёда учувчилар тайёрлайдиган ўқув эскадрильяси ташкил этилади. А. Тойметов ушбу эскадрильяга раҳбар қилиб юборилди.

1941-1942 йиллар давомида 71 нафар учувчини ҳарбий хизматга тайёрлади. Уруш йилларида жанг майдонларига

Шу зайдла лейтенант А. Тойметов иккинчи жаҳон урушида сўнгги жанговар топшириқни ҳам муваффақиятли бажарди. У уруш йилларида немисларга қарши курашаётган партизан отрядлари жойлашган ҳудудларга 109 марта парвоз қилиб, кийим-кечак, ўқ-дори, озик-овқат етказиб берди. Ярадорларни эса ҳарбий госпиталларга соғ-саломат етказишда жонбозлик кўрсатди. Мардликларини эвазига кўплаб жанговар орден ва медаллар билан тақдирланган.

А. Тойметов урушдан сўнг Ўзбекистонда авиация соҳа-

мат Тойметов уруш йилларида ўзи бошқарган самолётда қадрдон Чўрноқ қишлоғига келиб кўнган. УВУ фахрийси Ҳабибулла Ирисметов ва вилоят УЭМБ раиси Баҳодир Ирисметовлар ҳам тарихий ҳамқишлоқлари А. Тойметовнинг хотирасини абадийлаштиришга муносиб ҳисса қўшган.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: А. Тойметов; Чўрноқдаги А. Тойметов номи берилган кўчада; қишлоқ марказида А. Тойметов хотирасини ўрнатилган ёдгорлик пойида.

P.S. Қиссадан ҳисса тариқасида таъкидлайдиганимиз – биринчи учувчи А. Тойметовнинг ҳаёти ва фаолияти бугунги ёш авлод учун ўрнатилган мактабдир. Тинимсиз меҳнат, ўқиш, ўрганиш, қийинчиликларни енгиш фазилатлари боис Абдусамат Тойметовнинг номи тарихда қолди.

»» Мозийга назар

Амир Темур сиймосига назар ташлар эканмиз, у эл-юртни мўғуллардан озод қилганига, қанчадан-қанча мамлакатларни фатҳ этганига, бунинг учун жасур лашкарлари билан сон-саносиз шаҳар-қишлоқларга кирганлигига, тоғ-тошлар, чўлу биёбонларни, дарёларни кечиб ўтганлигига гувоҳ бўламиз. Шу боис нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам Амир Темур билан боғлиқ жойлар, гўшалар ниҳоятда кўп. Амир Темур таржимаи ҳолида асос солинганлигига 27 аср тўлган Қарши шаҳри, шаҳар теварак-атрофидаги манзилу ҳудудлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

СОҲИБҚИРОН СҮЙГАН ШАҲАР

Мўғуллар истилоси, уларнинг босқинчилик сийсати, халққа етказган жабр-зулми Темур қалбида ёшлигиданоқ ёвга нисбатан нафрат, ғазаб уйғотиб, эл-юртни улардан озод қилиш ҳиссини кучайтирди. Ёш Темур от суришни, қилч уйнатиб жанг қилишни, ёвни мағлуб этиш йўллари ордон ўрганди.

Амир Темур 1363-1364 йилларда Наматон қишлоғи яқинида Мўғул ҳукмдори Илбёсхўжани мағлуб этиб, юртни босқинчилардан озод қилишнинг дастлабки пойдеворини қалаган бўлса, 1370 йилда Мовароуннаҳр тахтига чиқишигача бўлган йилларда Қарши шаҳри ва унинг атрофидаги жойлар ўз эзгу ниятларини амалга оширишда соҳибқирон ва унинг тарафдорлари учун кураш майдонига айланди.

Тарихдан маълумки, Амир Темур ва Амир Ҳусайн мўғуллардан энгилиб, Балх томонга ўтиб кетган. Самарқандда сарбадорларнинг мўғуллар устидан қозонган ғалабасидан хабар топган Амир Темур ўз кўшини билан Жайхундан ўтиб, Қарши шаҳри томон йўл олади. Ибн Арабшоҳ “Амир Темур тарихи” асарига бунини шундай тасвирлайди: “Кўнларнинг бирида Темур ўз ҳамроҳларига: “Бу пайт қисмат ва унга ўхшашлардан зарар кўриб фасод ери улар хосилларидан баҳра олиб яшаган эди”. Бизнинг яқинимизда худонинг раҳмати ёғилур Абу Туроб ал-Нахшабийнинг шаҳри Нахшаб шаҳри бор. Бу шаҳар кўриқлиниб, у баланд деворлар ичида яширингандир. Агар биз бу шаҳарни эгалласак, у бизга таянч, мудофаа жойи бошпана бўлади”.

Ёш Темур бир қанча марта Қаршида бўлган, унинг хисорини, кириш-чиқиш, сув ўтайдиган жойларини ордон ўрганган эди.

Амир Темур 1365 йилнинг кузида Қарши шаҳрини ўз лашкарлари билан қамал қилади. Бу пайтда Амир Ҳусайн томонидан тайинланган Амир Мусо шаҳар амири эди. “Темур тузуқлари”да, Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарига Қарши қалъаси олиниши ҳақида батафсил ҳикоя қилинган. Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида баён этилишича, Амир Темур жанговар дўстлари Мубашшир ва Абдуллоҳ билан қалъа хандақи, унга сув оқиб кирадиган тарновни, новдан кириш ва чиқиш йўллари кўздан кузатиб кечиради, нарвон кўйилган жойни аниқлаб, шошилинч лашкари томон юради. Лашкарлари билан от суриб, бунгача аниқлаб олинган жойлардан ўтиб, қалъа дарвозаси томон отланади. «Дарвеш Буфо дарвоза кўлини болтаси билан синдирди ва шу пайт ҳазрат соҳибқирон фармони билан бугу қалишар. Ўша онда сипоҳ билан қалъага ёпирилиб кирдилар».

Ўша пайтда Қарши шаҳри амири Мусо ўз лашкарлари билан узоқда эди. Амир Темурнинг қалъани забт этганидан хабар топган Амир Мусо икки минг кишилик кўшини билан Қарши шаҳри остонасига етиб келади. Ўртада қаттиқ жанг бўлади. Амир Темур лашкарлари мўғуллар билан ботирларча жанг қиладилар. Амир Мусонинг кучи Амир Темурга нисбатан бир неча баробар кўп бўлишига қарамай, бу жангда мағлуб бўлиб, тумтарақай қочади.

Амир Темур қишни Қаршида ўтказишга қарор қилади. Бундан кўзланган мақсад аввало ўз кўшинларига дам бериб, уларни келгуси жангларга тайёрлаш бўлса, кейин шаҳарни душман ҳужумидан мудофаа қилиш учун шаҳар хисорини тиклашдан иборат эди. Қарши хисорини тиклашга минглаб қурувчи усталар, пахсасозлар, ёрдамчи ишчилар жалб этилди. Қурилиш тезкорлик билан олиб борилиб, баҳор келгунга қадар ниҳоясига етказилди. Амир Қозоннинг набираси Амир Ҳусайн билан Амир Темур дастлаб бирга бўлиб, мўғулларга қарши уруш қилган эди. Самарқанд сарбадорлари тугатилгач, улар иттифоқчи бўлсалар ҳам, ўрталаридаги ҳамкорлик узоққа бормади. Амир Ҳусайн Амир Темурнинг Қарши қалъасини эгаллашдан даргазаб бўлди. Амир Мусо ва Амир Улжой Апаруйнинг кучлари билан бирлашиб, Амир Темур устига қўшин тортиди.

Ёғилардан огоҳ бўлган Амир Темур Қарши қалъасидан чиқиб, Бухорога, сўнгра Хуросон шимолидаги Моҳонга қараб йўл олди. Амир Ҳусайннинг Бухорони қамал қилганини эшитган, Қаршига ҳам таҳдид солишини билган Амир Темур 600 кишилик лашкари билан Қарши томон йўлга тушди. Кеча-кундуз от суриб, лашкарларга дам бермай, Фузур орқали Қаршига ўз вақтида етиб келди. Амир Ҳусайн кучи билан жанг шиддатли тус олди. Темур лашкарининг ҳар бири беш-олти жангчининг ишини бажарди, Қарши қалъаси қўлда сақлаб қолинди. Амир Темурнинг мўғулларга Қарши олиб борган ўн йиллик (1360-1370 йиллар) кураши, жанг-у жадаллари, асосий рақиби Амир Ҳусайннинг қатл этилиши ва унинг 1370 йил 9 апрелда Мовароуннаҳр тахтига чиқиши билан якунланди.

Муаррихларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур Қаршидан узоқда, умрининг кўп қисмини ҳарбий юришларга бағишлаган бўлса ҳам, шаҳарни ўз эътиборидан четда қолдирмаган.

Жанговар ёшлик йиллари кечган Қарши шаҳрига келиб-кетган. Айниқса, сув таъминотини яхшилашга кўп амалий саъй-ҳаракатлар қилган.

Ҳозир Эски Анҳор деб аталувчи қадимда Дарғомдан сув олган Монас ариғи куйи Қашқадарёни оби ҳаёт билан таъминлаган, аммо Қаршидан анча узоқдан ўтган. Мўғуллар босқини даврида ушбу сув иншооти вайрон қилинган. Амир Темурнинг фармони билан Монас ариғи қайта қазилиб, 120 қақиримгача етган. Бу нафақат шаҳарни сувга сероб қилиш, балки унинг куйи қисмидаги экинзорларга ҳам об-ҳаёт элтиш имкониятини беради.

Қадимшунослар Қарши шаҳри теварак-атрофида, чўл ичкарисида қурилган сардобаларни ҳам Амир Темур номи билан боғлайдилар. Олимларнинг ҳисобига кўра, Мовароуннаҳр ҳудудида барпо этилган сардобаларнинг ярмидан кўпи Қарши чўлларига тўри келади. Баҳор кезларида ёмғирдан сардобаларга оқиб тушган сув ёз ойларида муздек бўлиб, улардан қарвонлар, соҳибқирон қўшинидаги отлар, чорва моллари, аскарлар, шунингдек, сардобаларга яқин қишлоқ аҳолиси ҳам сув ичган.

Соҳибқирон дину диёнатни, Қуръонни яхши ўқийдиган, уламо машоихларга ҳурмати баланд ҳукмдор бўлган. Унинг ҳурмат-эътиборига сазовор уламолардан бири шайх Шамсуддин Кулол эди. Шамсуддин Кулол асли қаршилиқ бўлиб, Хожাগон Нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган шайхларидан ҳисобланган. Сайид Амир Кулолнинг шогирди Баҳоуддин Нақшбанд Қарши шаҳрига келиб, Шамсиддин Кулолнинг “зикри хуфийа” усулини ўрганган. Шайх Шамсиддин Кулол соҳибқироннинг отаси Амир Тарагайнинг пири бўлган, соҳибқирон туғилганда исмини ҳам шу шайх қўйган.

Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи” асарига таъкидланганидек, Темур ўспиринлик чоғлариданоқ бўлажақ улуг ишларига оқ фотиҳани шайхдан олган, шундан кейин ҳам унинг маслаҳатларидан баҳраманд бўлади. Амир Темур Шамсиддин Кулолнинг хизматларини шундай эътироф этади: “Салтанатга эришган жамики нарсам ва мустаҳкам маконларни фатҳ қилишим – булар ҳаммаси шайх Шамсиддин ал-Фахурийнинг дуоси ёрдамида бўлди”.

Шайх вафот этгач, Амир Темур уни Кешга олиб келиб дафн қилдиради. Қабри устида мақбара қурдирилади. Шаҳрисабзга келган сайёҳлар ҳазрати шайх мазорини ҳам зىёрат қилишади. Унинг мақбараси билан ёнма-ён кўча Шамсиддин Кулол номи билан аталади.

Амир Темур эъзозлаган яна бир қаршилиқ шайх Абу Туроб ал-Нахшабийдир. IX асрда яшаб ўтган улуг зот дину ислом билимдони, йирик уламо, авлиё бўлган. Соҳибқирон Абу Туроб Ал-Нахшабийнинг илми қаломда тутган мавқеини яхши билган, унга зўр ихлос қўйган. Ҳали ўттиз ёшга кириб улгурмаган ёш Темурнинг Қарши қалъасини эгаллашга жазм этиб, “Бизнинг яқинимизда худонинг раҳмати ёғилур Абу Туроб ал-Нахшабийнинг шаҳри Нахшаб шаҳри бор” дейиши шайхга бўлган ҳурмати-нинг ифодасидир.

Амир Темурнинг Қарши шаҳрини суйганлиги, унга зўр ихлоси, меҳр-муҳаббати олдида қаршилиқлар ҳам қарздор бўлиб қолмаганлар. Соҳибқирон лашкарлари орасида қаршилиқлар ҳам кўп бўлган. Улар соҳибқиронга садоқатларини намоён этганлар, жангу жадалларда кўкрак кериб жанг қилганлар. Ана шундай ботирлардан бири Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида баён этилган Қиморий Иноқ бўлган. Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома” асарига айтилишича, “Иноқ Қиморий қаршилиқ жўмард қиморбоз Сароймулкхонимни мўғул хони Оқтемурухондан кузатишда Амир Темурга ёрдам беради. Умрининг охиригача Темур билан бирга бўлади. Амир Темур Иноқ Қиморий ёрдамида Оқтемурухонни ўлдирди”. Шаҳрисабздаги меъморий ёдгорликларнинг гултобзи Оқсарой қурилишида урганчлик, шаҳрисабзлик усталар билан бирга қаршилиқ иморатсозлар ҳам энг шимариб ишлаганлар. Бу улғувор кошонанинг пештоқларида, равоқ ва кунгираларида, турли рангдаги нақш ва маъликаларда улар кўллари-нинг излари қолган.

Қарши ва унинг теварак-атрофида истиқомат қилувчи меъморлар Амир Темур даврида пойтахт Самарқандда мадрасалар, мақбаралар, масжидлар қурилишларида ҳам иштирок этишган. Хусусан, Шохизинда меъморлик мажмуасига қирувчи бир мақбара нақшли устунларида қаршилиқ Олим Насафий ва Али Насафий каби нозиктаъ усталарнинг исми-шарифлари битиб қўйилган.

Амир Темурга дастлабки парвоз майдони бўлган Қарши шаҳри мустақиллик йилларида ҳар томонлама юксалиб, мамлакатимизнинг обод ва гўзал шаҳарларидан бирига айланди.

Баҳоидир РЎЗИЕВ,
Шаҳрисабз давлат педагогика институтининг тарих кафедраси ўқитувчиси.

»» Обуначиларимиз орасида

САНЪАТИМ – ФАХРИМ

Меҳнат фахрийси, 79 ёшдаги Туркистон шаҳри турғуни Ўринбосар Ҳайдар ўғли Тойжонов газетамизнинг 35 йиллик эътиқодли муштарийси. Ўтган йили шаҳар УЭМБ раиси Райимжон Қўчқоров тавсияси билан вилоят марказидаги “Дўстлик уйи”да ўтган анжуманда эл бирлиги, ёшлар тарбияси, миллий санъатимиз равнақиға қўшган кўп йиллик хизматлари учун вилоят УЭМБ раиси Баҳодир Ирисметов имзолаган “Ташаккурнома” билан тантанали тақдирланди.




Ўринбосар Ҳайдар ўғли темирийўлчилар оиласида тарбияланди. Темирийўл тармоғига қарашли А. Навоий номи мактабда ўзи каби санъатни эъзозлаган фахрий темирийўлчи Эркин Қолиббетов билан бирга ўқиган. Туркистон локомотив депосида меҳнат

қилган. Совет Армиясидаги уч йиллик ҳарбий хизматни Монголия давлатида қурилиш қисмида ўтаган.

Хонадонда ўзбек мусиқа асбобларини кўз қорачиғидек асраб, эъзозлайди. Бу – унинг ёшлиги, йигитлик давридаги хонанда сифатида элга хизмат қилгани, эл ардоғидаги устозлари Ҳамид Матиев, Ҳамид Мутеновлар хотирасини эъзозлагани рамзидир. Узаро суҳбат чоғида маданиятимиз, тилимиз, урф-одатларимизга

ҳурмат бобида ёш авлодга ибрат бўлаётган Ўринбосар Ҳайдар ўғли куйидагиларни баён этди.

– 2026 – буюк Алишер Навоий бобомиз таваллудининг 585 йиллиги сифатида қадрли. Мен Навоий номи мактабда ўқиганман. Шу ўқув даргоҳи ота-оналар қўмитаси фахрий вакили, меъмор Саъдулла Содиқовдан сўраганимда Туркистон шаҳридаги мактабга А. Навоий номи ўтган асрда,



1966 йили 24 майда буюк шоир таваллудининг 525 йиллиги шарафига берилган экан. Мана, орадан 60 йил вақт ўтибди. Ҳарбий хизматда юганимда ҳам рубоб чалишни қанда қилмаганман. Устоз санъаткор Комилжон Отаниёвнинг Ўзбекистоннинг Урганч шаҳридаги уй музейини зиёрат қилиб, (Саид Ҳайруллоҳ ташкилотчилигида) Қуръон оятларини тиловат қилганман. “Жанубий Қозоғистон” таҳририяти ҳамда ҚР Ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамияти сайъ-ҳаракатлари, вилоят ҳокимлиги, ҚР Маданият вазирлиги қўллови билан соҳибқирон Амир Темури хотираси хурматиға вилоятимизнинг Ўтрор туманидаги (Арслонбоб зиёратгоҳи яқинида) ёдгорлик мажмуасини шаҳар УЭМБ фаоллари билан бирга зиёрат қилиб, кўп таассурот олдим. Мактабда бирга ўқиган Дадажон Сайдан ўғли билан ҳам орадан шунча йил ўтгач, айнан зиёрат чоғида учрашиб, суҳбатда бўлдим. Бизнинг ўтмишимиз билан бугунги ёш авлоднинг фаровон ҳаётини қийсламан. Ёшлар маданиятимиз, она тилимиз, урф-одатларимизни биз каби эъзозлаб, асраб-авайлашни орзу қиламан.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Ў. Тойжонов; К. Отаниёв музейи пойида; Монголиядаги ҳарбий хизматда ҳам рубоб чалишни қанда қилмаган; А. Темурга ўрнатилган ёдгорлик мажмуаси пойида.

Ў. ТОЙЖОНОВ
архиви ва муаллиф
тасвирлари.

САЙРАМЛИК СПОРТЧИЛАР ЮТУҒИ

Жетисай туманида грэпплинг(гиламда курашишга асосланган, оғриқ ва бўғим усуллари ўз ичига олган, зарбалар тақиқланган оммавий кураш тури)нинг «AIGA» (Америка, Осиё халқаро грэпплинг ҳамжамияти) бўйича болалар, ўсмирлар ва катталар орасида вилоят чемпионати ўтди.



Унда шаҳар ва туманлардан 351 нафар спортчи иштирок этди. Ҳар бир вазн ва ёш тоифалари бўйича ўтган беллашувларда Сайрам тумани спортчилари муваффақиятли иштирок этиб, 2та олтин, 1та кумуш, 3та бронза медални қўлга киритдилар. Жумладан, 42 кг вазн тоифасида Р. Неъматжонов, 47 кг вазн тоифасида С. Мусабеков – I ўрин, 47 кг вазн тоифасида А. Абдиганиев – II ўрин, 34 кг вазн тоифасида Б. Баҳодиров ва 35 кг вазн тоифасида С. Олимжонов – III ўринга сазовор бўлишди.



Таъкидлаш жоиз, сўнгги йилларда грэпплинг оммавий тус олиб, ёшлар орасида кенг тарқалмоқда.

3. МҮМИНЖОНОВ.

КИТОБ БИЛАН ҲАМНАФАСЛАР

Қорамурт қишлоқ кутубхонасида қалбларга илиқлик улашган маърифий-маънавий тадбир ўтди. Камина бошчилигида ташкил этилган ушбу учрашувда Қорамурт қишлоғидан етишиб чиққан ижодкорлар ёшларга ибрат сифатида таништирилиб, қалам тутиши орзу қилган ёшларга йўл-йўриқ кўрсатишди.



Кечанинг азиз меҳмони, Қорамурт қишлоғининг фахри, Хотин-қизлар кенгаши раисаси таниқли шоира Моҳира Саидова бўлди. Унинг самимий сўзлари, ҳаёт ва ижод ҳақидаги мулоҳазалари тадбир иштирокчиларига улкан руҳий мадад бағишлади.

Тадбир қўшни қишлоқ ва шаҳарлардан ташриф буюрган меҳмонларни ҳам бирлаштирди. Айниқса, пойтахтлик назм ихлосманди Назим

хонимнинг ташрифи кечага ўзгача файз бағишлади. Унинг қишлоғимизга меҳри ва илиқ фикрлари барчани мамнун этди.

Устозлар – Қурвонжон Убайдуллаева, Соҳиба Ҳайитметова, Фарида Ўлжаева каби фидойи аёллар кутубхона жамғармасига китоблар совға қилди. Улар ўз нутқларида ёшларга ижод йўлида тинимсиз изланиш, китоб билан дўст бўлиш ва

маънавиятни улуғлаш ҳақида қимматли маслаҳатларини беришди. Устозларнинг ҳаётий тажрибаси ва ибратли амаллари тадбир иштирокчилари учун мактаб вазифасини ўтади.

Кеча куй-қўшиқ ва рақсларга улашиб, тадбир янада файзли ва кўтаринки руҳда якунланди.

Марҳабо КЕНЖАБОВА,
Қорамурт қишлоғи
кутубхоначиси.

»» Заковатли миллат

ҲАСАН – МИЛЛИЙ ОЛИМПИАДА ҒОЛИБИ

8-11 синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган Лингвистика бўйича республика олимпиадасининг якуний босқичида вилоятимиздан 3 нафар ўқувчи иштирок этди. Улар орасида Туркистон Билим инновация лицейининг 11-синф ўқувчиси Ҳасан Комилов фахрли 3-ўринни эгаллади.

Иқтидорни ёшларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган маскур олимпиада ўқувчиларнинг билим салоҳиятини намоён этиш, фанга қизиқишини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳасаннинг синф раҳбари Медет Сапашев билан боғланиб, шоғирдининг ютуғи билан қутладик.

– Ҳасан иқтидорли ва изланувчан ўқувчиларимдан бири. У доим билим беллашувида фаол иштирок этиб, тенгдошларига ўрнак бўлиб келмоқда. Вилоят, республика босқичларидаги фан олимпиадаларида юқори натижаларга эришиб, лицейимиз шарафини муносиб ўхимова қилиб келаяпти. Ҳасан сингари ёшларимиз кўпаяверсин, – дейди устоз.

Ғолиб ўқувчи билан боғланиб, у билан ҳам қисқача суҳбатлашдик.

– 11-синф ўқувчисиман, – деди Ҳасан. – Кимё фанига қизиқшим мактабдаги илк даврла-

римданоқ бошланган. Лицейга кирганимдан сўнг бу фан билан янада жиддийроқ шуғуллана бошладим. Бизда ўқувчилар ихтисослашган тизим асосида муайян фанлар бўйича тайёрланади. Устозларим менда табиий фанларга мойиллик борлигини кўриб, кимё фанини чуқур ўрганишни тавсия қилишди. Кимё биология, физика ва математика билан узвий боғлиқ бўлганлиги боис уни танладим.

– Илк жиддий сновлар қачон бошланди?

– 7-синфда ўқиётганимда ўсмирларнинг вилоят олимпиадасида иштирок этиб, учинчи ўринни эгалладим. Бу натижа менга руҳий қувват бағишлади, рағбатлантирди. Шу пайдан бошлаб, беллашувларга астойдил тайёрлана бошладим. Устозим Давлат Қаунбаев ташаббуси билан 8-синфга ўтганда 9-синфлар ўртасида ўтаётган вилоят олимпиадасида иштирок этдим ва совринли иккинчи ўринни кўриб олди, республика босқичига кўтарилдим ва бронза медалини қўлга киритдим. Бу менинг давлат миқёсидаги илк мукофотим эди. 9-синфда эса иккита нуфузли олимпиадада Қаниш Сатпаев номидаги кимё бўйича олимпиада ва республи-



ка олимпиадасида иштирок этдим. Уларда ҳам кумуш медални қўлга киритдим. 10-синфда эса яна бир бор бронза медалини қўлга киритдим.

– Келгусида қандай режаларингиз бор?

– Олимпиаданинг март ойи охирида ўтадиган миллий босқичга жиддий тайёрланяман. Шу билан бирга, тиббиёт университетига ўқишга киришни ният қилганман. Келажакда ҳаётимни тиббиёт соҳаси билан боғлашни истайман. Бугунги ютуқларимда ота-она ва устозларимнинг ҳиссаси беқиёс. Синф раҳбарим, устозларим, кимё фани муаллими, айниқса, Давлат Қаунбаевга алоҳида миннатдорчилик билдираман.

Илмга чанқок, юксак мақсадлар сари қатъийят билан интилаётган бундай ёшлар – мамлакатимиз келажакнинг ишончли таянчи, умидли авлод вакиллари дидир.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БУРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22
Қазигурт – Хуршид ҚўЧҚОРОВ. +7701-447-37-42
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тупликбош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоҳ – Малика ЭЛПОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги фотолар ҳамда дадилларнинг тўғрилик учун муаллифлар, рақам ва эълон бевуҷулар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди,
KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

“ERNUR”нинг “МЧБ” босмахонасида chop этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05.

Электрон почта: janubiy@inbox.kz

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 10700 нуска.

Бўғимчи
509.

Набатчи муҳаррир: Малика ЭЛПОЕВА.